

инкилобий трибунал фаолиятида зиддиятлар авж олгани ҳамда тизимда анархия ҳолати ҳукм сургани очиб берилган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье описывается экономическая политика подавления революционных трибуналов, созданных советскими властями на территории Туркестанской АССР в экстремальных условиях на основе широкого спектра исторических документов. Выявлено также наличие конфликтов в деятельности революционного трибунала и анархии в системе.

SUMMARY

This article describes the economic policy of repression of the revolutionary tribunals established by the Soviet authorities in the territory of the Turkestan ASSR in extreme conditions on the basis of a wide range of historical documents. It was also revealed that there were conflicts in the activities of the revolutionary tribunal and anarchy in the system.

БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА МАЪНАВИЙ МЕРОСДАН ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ

К.Камолова – *тадқиқотчи*

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети

Таянч сўзлар: маънавий мерос, юксак маънавият, баркамоллик, “Авесто”, мутафаккир.

Ключевые слова: духовное наследие, высокая духовность, совершенство, “Авесто”, мыслитель.

Key words: spiritual heritage, high spirituality, perfection, “Avesto”, thinker.

«Юксак маънавиятли, замонавий билим ва касб-хунарларга, ўз мустақил фикрига эга бўлган ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш биз учун энг муҳим масалалардан биридир. Бу борада биз асрлар мобайнида шаклланган миллий анъаналаримизга, аجدодларимизнинг бой маънавий меросига таянамиз» [1:89].

Шавкат Мирзиёев

Мамлакатимиз ташлаётган ҳар бир қадам, амалга оширилаётган ҳар бир ислохотлар замирида баркамол авлод орзуси мужассам. Ўзбекистон ёшларининг шижоати, ақлу заковати, жисмоний ва маънавий камолот, ҳаракат ва интилишлари эзгу мақсадларининг бош омилидир. Шундай экан, Ўзбекистонни янада обод, халқимизни бахтли-саодатли қилишдек муқаддас ва залвори кенг вазифаларни бажарадиган баркамол авлодни шакллантириш давр талабидир. Бу борада эса бизга мутафаккирлардан қолган маънавий мерос катта ёрдам беради.

Уларнинг маънавий меросида қомил инсон ғояси, баркамол авлод тарбияси, жамиятда маънавий-ахлоқий онгни шакллантириш муаммоси алоҳида ўрин тутди. Бу борада қадимий манба ҳисобланган «Авесто» асари, Имом Бухорий, Абу Наср Фаробий, Абу Райхон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Абулқосим Замахшарий, Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур каби мутафаккирларимизнинг маънавий-ахлоқий таълимотлари муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Аждодларимизнинг буюк маънавий мероси бўлган, ўзининг фалсафий ғоялари билан бугунги кунга қадар хизмат қилиб келаётган «Авесто»дан бошлаб одил жамият қуриш, эзгуликни улуғловчи ва қабоҳатни қораловчи фалсафий, мафкуравий мушоҳадалар, поклик ва яхшиликдан сабоқ берувчи ғоялар жамият ва инсон ҳаётининг омили экани ёрқин ифодаланган. Бу эса, «Авесто»нинг миллий ғоя ва мафкурамизнинг асосларидан бири - миллий меросимизнинг мустақамланишига ҳисса қўшувчи дастлабки манба эканлигини исботлайди. «Авесто»даги онтологик, гносеологик таълимотлар, пантеистик қарашларда яхши ният, адолат, диёнат, қудрат, ирода каби сифатлар акс этган. «Авесто»дан кейин уч минг йиллик тараққиётни босиб ўтган инсон тафаккури демократик тараққиёт ва унга олиб келувчи ғояларга ана шу китобнинг моҳиятида ётган маънавий стимуллар орқали етиб келди. Улар моддийлик ва маънавийликнинг уйғун ҳолда ривожланиши, тараққиёти ва келажаги учун гаров бўлган омилар сифатида роль ўйнайди.

Мутафаккир боболаримиз асарларида инсон ва унинг маънавий олами жамият ҳаётининг устувор амаллари сифатида қаралади. Шарқ мутафаккирлари ал-Фаробий, Ибн Сино, Абу Райхон Беруний, Аҳмад Юғнакий, Юсуф Хос Ҳожибларнинг қарашларида одил жамият қуриш ҳақидаги ғояларнинг шаклланишига

инсон ҳаёти ва камолотидаги дастлабки илмий-фалсафий кўриниши турлича талкин этилади. Жумладан, Форобий миллий ғоя ва мафкуранинг асосий манбаларидан бўлган қадриятлар тизимига кирувчи – фозил давлат, адолатпарварлик, тенг ҳуқуқлилик каби фазилат ва хусусиятлари ҳақидаги ўзининг фикрларини билдиради [2:160] Абу Наср Форобий инсон камолотга ёлғиз ўзи эриша олмайди. У бошқалар билан алоқада бўлиши, уларнинг кўмаклашуви ёки муносабатларига муҳтож бўлади, дейди. Ана шу жараёнда инсонда фазилатларни камол топтириш ҳақида таъкидлаб қуйидаги фикрларни илгари суради, «Инсон фазилатлар билан камолотга етади ва камолотга етган одам бахтли ҳисобланади» [3:38].

Абу Райхон Беруний инсон тарбиясига салбий таъсир қилувчи иллатлар ҳақида фикр юрита туриб, улар кўп ҳолларда ёвуз ниятда қилинишини қайд этади [4:68].

Унга ҳамоҳанг тарзда Ибн Сино эса бундай иллатларни бартараф этишда тарбия омилига таянишни таъкидлайди. Ибн Сино «Инсонлар ўртасида ўзаро келишув зарур бўлиб, бу келишув туфайли адолат қоидалари ва қонунлари ўрнатилади. Қонуншунос эса бу қоидаларга бажарилиши шарт бўлган мажбурият тусини беради» [5:478], деб ҳисоблайди. Демак, ҳар қандай жамият, давлат маълум адолатни ҳимоя этувчи ҳуқуқий қонунлар асосида идора этилиши, адолатсизликка йўл қўймаслиги керак ва шундагина миллат буюкликка эришади [6:486-6], деган фикрларни илгари суради.

Юсуф Хос Ҳожиб «Камолотга етиш йўли иккита: билим олиш ва ибрат ўрганиш» [7:103], – деб инсон маънавий-ахлоқий онгининг фалсафий моҳиятини очиб беради. У ўз давридаги одил жамиятнинг сиёсий-иқтисодий тизимини бирма-бир таърифлаб, унда миллат бирлигини жамият ва давлат тараққиётини таъминловчи куч деб эътироф этади.

Баркамол инсонни тарбиялаш, адолатпарварлик, инсонпарварлик ҳақидаги ғоялар Темур ва темурийлар даврида ҳам ўзига хос кўринишга эга бўлган. Амир Темур давлат тизимини мустақамлашга, майда ва тарқоқ феодалликларни бирлаштиришга ҳаракат қилди ва шу аснода адолатли жамият барпо этишнинг ўзига хос кўринишини яратди [8:81].

Соҳибқирон Амир Темурнинг «Темур тузуклари» ёшлар онгига таъсир қила оладиган тарғибот воситаси ҳисобланади. Унда соҳибқирон кадрлаган, ҳаётда ўзи амал қилган ва атрофидаги барча инсонларга тавсия этган инсоний фазилатлар ҳақида нодир фикрлар битилган. «Темур тузуклари»да эзгу фазилатли шахсларни кадрлаш билан биргаликда, иллатларни касб қилган инсонларни тартибга чақиргани ва агар уддалаб бўлмаса, жазо қўлангани ёзилади.

Таниқли педагог олимларимиздан Муҳаммаджон Қуронов Амир Темур ҳақида ёзар экан, Соҳибқирон

Амир Темур ўзининг «Темур тузуклари»да «Азми катъий, тadbиркор, хушёр, мард ва шижоатли бир киши мингта тadbирсиз ва лоқайд кишидан афзалдир», деган ҳаётгӣ ҳулосага келганини ҳамда ўз тажрибасига таяниб, беш фазилат соҳибларини атрофига тўплаб, максadларига эришганини таъкидлайди.

Ҳақиқатан ҳам, Амир Темур очкўз, зикна, ёвуз ва нафси ёмонларни ёқтирмасди. «Қайси бир сипоҳий туз ҳақи ва вафодорликни унутиб, – дейилади «Темур тузуклари»да, – хизмат пайтида ўз соҳибидан юз ўгириб, ҳузуримга келган бўлса, ундай одамни ўзимга энг ёмон душман деб билдим. Чунончи, Тўхтамишхон билан бўлган урушда унинг амирлари менга ҳар турли хабар ва шикоятлар ёзиб, ўз ҳукмдори, яъни менинг душманим бўлмиш Тўхтамишхон берган туз ҳақини унутдилар, вафодорлик ва ҳақ-ҳуқуқни бир чеккага йиғиштириб қўйиб, ҳузуримга паноҳ истаб келганлари учун уларни лаънатладим, ўзимга «булар ўз хожасига вафо қилмагач, менга қилармиди?» деб ўйладим». Мана шу Амир Темурнинг ва у яшаган даврдаги миллий маънавиятимизнинг ёрқин намунаси эмасми!?

Ахлоқий фазилатлар ҳақида ўзининг фалсафий фикрларини баён қилган Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома» асари маънавий бойлик дурдоналари қаторига киритилади. Унда ҳам аждодларимиз маънавиятининг ёрқин намуналари акс эттирилган. Масалан, «Бобурнома»да темурий ҳукмдор Умаршайх Мирзонинг нақадар адолатли ва ҳалол инсон бўлганлигини кўрсатувчи бир маълумот келтирилган.

Адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимининг катъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. –Т.: «Ўзбекистон», 2018.
2. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. –Т.: «Ғ.Ғулом», 1993.
3. Абу Наср Форобий. Фазилат, бахт-саодат ва камолот ҳақида. –Т.: «Ёзувчи», 2001.
4. Абу Райҳон Беруний. «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар». –Т.: «Фан», 1972.
5. Ибн Сино. Изб. Филос. Произведения. –Москва: «Наука», 1980.
6. Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар, Т 1. –Т.: «Фан», 1968.
7. Юсуф Хос Ҳожиб. Кутадғу билиг. –Т.: «Фан», 1971.
8. Амир Темур. Темур тузуклари. –Т.: «Навруз», 1996.
9. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. –Т.: «Ўзбекистон», 2017.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада юксак маънавиятли ва баркамол авлодни тарбиялашда маънавий мероснинг ўрни ва аҳамияти, ундан ижобий фойдаланиш масалалари ҳамда бугунги кунда уларга берилаётган эътибор ҳақида сўз юритилган.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются роль и значение духовного наследия в воспитании высокодуховного и гармоничного поколения, вопросы его позитивного использования и уделяемое им сегодня внимание.

SUMMARY

The article discusses the role and significance of spiritual heritage in the upbringing of a highly spiritual and harmonious generation, the issues of its positive use and the attention paid to them today.

ЯНГИЛАНАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОН: ЁШЛАР ТАРБИЯСИ СОҲАСИДАГИ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ СТРАТЕГИК МОҲИЯТИ

Қ.Қадилов - филология фанлари номзоди, доцент

Ёшлар билан ишлаш бўйича проректор

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти

Таянч сўзлар: миллий ғоя, олий таълим, таълим-тарбия, маънавият ва маърифат, ёшлар тарбияси, педагогик соҳа.

Ключевые слова: национальная идея, высшее образование, образование и обучение, духовность и просвещение, воспитание молодежи, педагогический сектор.

Key words: national idea, higher education, education and training, spirituality and enlightenment, youth education, pedagogical sector.

Шиддат билан глобаллашиб бораётган бугунги даврда жаҳонда инсоният учун хавф солаётган улкан маънавий таҳдидлар авж олиб бормокда. Бу эса дунёдаги кўплаб мамлакатлар ва халқларнинг иқтисодий, сиёсатига ва маънавиятига жуда катта салбий таъсирини кўрсатди. Хусусан, Ўзбекистон Республикасида мустақиллиги йиллари давомида барча соҳаларда улкан ўзгаришлар юз берди. Халқимиз миллий истиқлол ғояси остида бир максad йўлида бирлашди, лекин миллий мустақиллигимиз натижасидаги ютуқларимизни кўраолмайдиган, миллий маънавий кадрларимизнинг кадрсизланишига қартилган ғоявий таҳдидлар ҳамон давом этмокда.

Инсониятга таҳдид солаётган халқаро терроризм ва

Бир йили Хитойдан Фарғонага келаётган минг кишилик қарвон Ўш тоғларида қор кўчкиси остида қолиб ҳалок бўлган. Умаршайх Мирзо дарҳол одамларини юбориб, қарвоннинг юқларини назорат остига олдирган. Эгалари ҳалок бўлган шу молларни икки йилдан зиёд эҳтиётлаб, сақлаган. Хуросон ва Самарқандга махсус одам юбориб, қарвон эгаларининг меросхўрларини топтирган ва уларни ўз мамлакатига қақиртириб, молларини тўлалигича қўлларига топширган. Бундай мисолларни ўтмишдаги оддий одамлар ҳаётидан ҳам керагича келтириш мумкин. Ҳозирги даврда ҳам ҳаётимизда шундай эзгу тушунчалар барқарор ва устувор. Бундай мисоллар маънавиятимизнинг миллий-этниқ асослари мустаҳкам эканлигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев тарихимизнинг бойлиги, бугунги кунда ёшларга яратиб берилаётган шароитларни изохлаб шундай дейди: «Бизнинг ҳавас қилса арзийдиган буюк тарихимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган аждодларимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган бекиёс бойлиқларимиз бор. Ва мен ишонаман, Худо хоҳласа, ҳавас қилса арзийдиган буюк келажагимиз ҳам бўлади» [9:482].

Бу эзгу максad йўлида ҳал қилиниши лозим бўлган масалалар давлатимиз сиёсатининг диққат марказида турибди. Ҳақиқатан ҳам бугунги кунда орзу-ҳаваслар рўёбга чиқа оладиган муҳит юзага келдики, ана шу имкониятлардан самарали фойдалана олсак, барча ниятларимиз рўёбга чиқиши аниқ, албатта.

экстремизм дунё мамлакатлари тараққиёти, давлатлараро ижтимоий ҳамкорликнинг ашаддий душманига айланиб бормокда. Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислоҳ Каримов таъкидлагани каби, «бу офат қачон, қайси томондан, қандай ҳужум қилишини ҳеч ким билмайди» [5]. Дарҳақиқат шундай, шунинг учун ёшларни ғоявий ҳимоя қилиш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Бугунги кунда маънавий таҳдидларни ўз вақтида илғаб, жаҳолатга қарши маърифат билан, ғояга қарши ғоя билан, муаммоларни бартараф этиш ва уларнинг ечимини топиш ижтимоий ҳамкорликда ёшлар ғоявий тарбиясини тубдан ислоҳ қилишни тақозо қилмокда. Шунинг учун асосий эътиборни бу соҳадаги мавжуд